

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР

Имамов Азиз Эркинович

ЎзР ИИВ Академияси

Имамов Эркин Зуннунович

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ

Каримов Хасан Нарзуллаевич

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6826663>

Аннотация. Бугунги кунда “яшил энергияни” ишлаб чиқариши ва ундан самарали фойдаланиши бўйича кўпгина илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасида “яшил энергиядан” жисмоний ва юридик жахслар томонидан самарали фойдаланиши бўйича бир нечта Президент фармонлари ва қонун ҳужжатлари таҳлил қилинган. Ўзбекистон шароитида қайта тикланувчи энергиядан самарали фойдаланилган тадбиркор ва аҳолига бериладиган имкониятлар кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Қайта тикланувчи энергия, Қонунчилик ҳужжатлари, Яшил энергия, аҳоли ва тадбиркор, имтиёз.

ПРОБЛЕМЫ, СВЯЗАННЫЕ С ВНЕДРЕНИЕМ ВОЗОБНОВЛЯЕМЫХ ИСТОЧНИКОВ ЭНЕРГИИ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация. Сегодня проводится множество научных исследований по производству “зеленой энергии” и ее более эффективному использованию. Проанализировано несколько президентских указов и законодательных актов по эффективному использованию “зеленой энергии” физическими и юридическими лицами в Республике Узбекистан. В условиях Узбекистана рассматриваются возможности предоставления энергии предпринимателям и населению, а также определенных законодательных льгот за эффективное использование возобновляемых источников энергии.

Ключевые слова: возобновляемая энергетика, законодательные акты, зеленая энергетика, население и предприниматель, льготы.

PROBLEMS RELATED TO THE INTRODUCTION OF RENEWABLE ENERGY SOURCES IN THE NEW UZBEKISTAN

Annotation. Today, a lot of scientific research is being conducted on the production of “green energy” and its more efficient use. Several presidential decrees and legislative acts on the effective use of “green energy” by individuals and legal entities in the Republic of Uzbekistan have been analyzed. In the conditions of Uzbekistan, the possibilities of providing energy to entrepreneurs and the population, as well as certain legislative benefits for the effective use of renewable energy sources are being considered.

Keywords: renewable energy, legislative acts, green energy, population and entrepreneur, benefits.

КИРИШ

Инсониятнинг атроф-муҳитга салбий таъсирининг юзага келиши, экологик муаммоларнинг кескинлашуви, глобал органик энергия ресурсларининг чекланганлиги,

дунё ялпи ички маҳсулоти ва аҳоли сонининг кескин ўсиши энергияга бўлган талабнинг ошиб кетишига ва ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига олиб келмоқда, ҳамда қайта тикланадиган энергия манбаларига ўтишни ва углерод энергиясига бўлган қарамликнинг олдини олишни келтириб чиқармоқда.

Албатта бундай оқилна, аммо айти пайтда мажбурий ёндашув, қонунчилик базасини тегишли равишда ўзгартиришни, энергетика соҳасидаги давлат сиёсатини, мамлакат аҳолисининг ижтимоий қиёфасидаги ўрнини кўрсатиб бермоқда.

Бундан ташқари, энергия соҳасидаги норматив ҳужжатларни ва қонунчиликдаги ислохотларни, тегишли соҳа вакилларининг янги ёндашувини қайта кўриб чиқиш заруратини кўрсатиб бермоқда.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Бирлашган Миллатлар ташкилоти таснифига кўра қуйидаги 9 та манба қайта тикланадиган энергия манбалари (БМТ -1978) сифатида тасдиқлаган.

Қайта тикланадиган энергия - бу атроф-муҳитда доимий равишда мавжуд бўлган ёки вақти-вақти билан содир бўладиган энергия оқимларидан пайдо бўладиган энергия. Қайта тикланадиган энергия манбаларига асосланган электр энергиясини ишлаб чиқариш технологияси ҳар йили аста-секин арзонлашмоқда ва органик ёқилғи захиралари эса камайиши натижасида углеводород электр энергиясини ишлаб чиқаришдаги таннархининг ўсиши кузатилмоқда [1-5].

2020 йилда қайта тикланадиган энергия манбалари туфайли энергия истеъмолининг дунёдаги улуши 25-29% ни ташкил этади .

Ҳозирги пайтгача Ўзбекистонда энергия сарфи асосан органик ёқилғига асосланган эди. Бунинг сабаби - мамлакатнинг энергия мустақиллигига эришганлиги. Бу эса бизда электр энергиянинг нисбатан арзонлигига олиб келди . Ушбу паст нарх туфайли мамлакат қайта тикланадиган энергия манбаларига ўтиш жараёни кечиктирилган [6-9].

Қайта тикланувчи энергияни жорий этиш билан боғлиқ Қонунчилик ҳужжатлари [10-13]. Сўнги 5 йил ичида Ўзбекистон энергетика саноатидаги янги ижобий тенденциялар, энергия истеъмоли ва электр энергиясини ишлаб чиқариш жараёнини қайта тикланадиган энергия манбалари ҳисобидан амалга оширишнинг ҳуқуқий жиҳатлари бўйича қонунчиликка айрим ўзгартиришлар киритилди.

а. Қайта тикланадиган энергия манбаларига ўтиш даврида мамлакат иқтисодиётига ҳуқуқий кафолат берадиган қонунчиликни ишлаб чиқиш 2018 йилда, Ўзбекистон Париж битимини ратификация қилган пайтдан бошланган деб ҳисоблаш мумкин (Париж, 2015 йил, 12 декабр) [11].

б. 2030 йил Ўзбекистон ис газининг (CO₂) атмосферага чиқаришни 2010 йилга нисбатан 10 % га камайтириш бўйича миллий мажбуриятини олди.

в. Шу билан бирга, “2019-2030 йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси”да 2030 йилда қайта тикланувчи манбалардан ишлаб чиқарилган энергиянинг улуши мамлакатдаги умумий энергия ишлаб чиқариш ҳажмининг 25% ни ташкил этиши кўзда тутилган.

Энергия тежайдиган ва экологик тоза иқтисодиётни қуриш, энергия самарадорлиги индексини икки баравар ошириш ва ялпи ички маҳсулотдаги углерод интенсивлигини

камайтириш, аҳоли ва иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун замонавий, арзон ва ишончли энергия таъминотидан фойдаланиш имкониятини яратиш режалаштирилган.

d. 2019 йил 18 апрелда Олий Мажлиси томонидан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (52-модда)”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Унда солиқ кодексининг 275 ва 290-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, қайта тикланувчи энергия манбаларидан тўлиқ фойдаланишга ўтган уй-жой мулкдорларига катта солиқ имтиёзлари олиш ҳуқуқини бериши кўрсатиб ўтилган. Қайта тикланувчи энергия манбаларини ўрнатган ва ундан унумли фойдаланаётган уй-жой мулкдорларига уч йил давомида ер ва мол мулк солиғидан озод қилиш имтиёзлари берилган. Бу каби имкониятлар мавжуд электр таъминотидан бутунлай воз кечиб қайта тикланувчи энергия манбаларига тўлиқ ўтган хонадон эгаларида мавжуд.

e. 2019 йилда Ўзбекистоннинг бир қатор ҳукумат ва идоравий ҳужжатларида аҳолининг қайта тикланадиган энергия манбаларига ўтишини рағбатлантириш чоралари жорий этилган:

- 2019 йил 1- январдан бошлаб барча янги иншоотлар (якка тартибдаги уй-жой қурилишидан ташқари) қуёш энергияси билан ишлайдиган сув иситиш мосламалари билан жиҳозланган бўлиши шарт;

- эски уйларда қуёш энергияси билан ишлайдиган сув иситиш мосламалари реконструкция қилиниши керак;

- барча янги бино ва иншоотларни фақат энергия тежайдиган технологиялардан фойдаланган ҳолда қуриш керак;

- 2022 йилдан бошлаб барча давлат муассасалари марказлаштирилган иссиқ сув таъминотидан узилади ва қуёш сув иситиш мосламаларидан фойдаланишга ўтади;

- яқин йилларда барча бино ва иншоотларда энергия тежайдиган лампаларга тўлиқ ўтиш режалаштирилган.

f. 2021 йил 1 июнда Президент Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятида Шеробод туманида қуёш фотоэлектр станцияси қурилишининг дастлабки пойдеворини қўйиб берди [14-16].

Лойиҳа доирасида Бирлашган Араб Амирликларининг (БАА) Masdar компанияси 457 MW қувватга эга қуёш фотоэлектрик станция қурилиши белгиланган, ҳамда 220 kV қучланишли янги кичик станциялар ва 52 км электр узатиш линияси ҳам қурилиши кўзда тутилган. Осиё тараққиёт банки (ОТБ) тендерни ўтказишда техник ва молиявий маслаҳатлар берди. Ушбу йирик объектни ишга тушириш 2023 йил августга режалаштирилган.

h. Қуйидаги бир қатор қонун лойиҳалари тайёрланмоқда:

- “микрoгенерациялаш объекти” тушунчасини ва унинг мезонларини аниқлаш ва қонуний равишда белгилаш;

- қуёш конверторларини ишлаб чиқишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва электр тармоқларига технологик уланиш тартибини тасдиқлаш, энергия маркетинг ташкилотлари томонидан электр энергиясини сотиш имкониятини таъминлаш, олинган электр энергиясини ҳисобга олиш учун давлат назоратини кучайтириш;

- қуёш ва шамол электр станцияларини мамлакат энергетика тизимига тезкор равишда қонуний жорий этишга кўмаклашиш.

i. 2022 йил июн ойининг бошларида ҳукумат энергетика соҳасидаги ваколатларнинг бир қисмини (шу жумладан қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида) хусусий компанияларга топширишни ва тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашни эълон қилди. Юқоридаги ислоҳотлар давлатнинг асосий электр тармоқлари устидан монополиясини ва мамлакатда нархлаш ва нархларни белгилаш ҳуқуқларини сақлаб қолади. Давлат хусусий электр энергиясини ишлаб чиқарувчилар билан тузган узок муддатли шартномалар асосида электр энергиясининг нархини биргаликда белгилайди ва электр энергиясини белгилаган нархда сотиб олиш мажбуриятини олади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Муҳим янгилик шундаки, ислоҳотларни экспериментал тарзда амалга ошириш режалаштирилган ва фақат ижобий натижалар бўлганда хусусий шерикчиликни, шу жумладан хорижий шерикчиликни жалб қилишни кенгайтириш кўзда тутилган.

Энергетика соҳасидаги инновацион ўзгаришларни давлат томонидан қонуний қўллаб-қувватлашга доир ҳаракатлар [14-16]. Давлатнинг авваламбор, Президентнинг мамлакат иқтисодиёти ва кундалик ҳаётидаги истиқболли ташаббусларини аниқлашдаги ролининг мисолларидан бирини қуйида келтириб ўтамыз.

“Ҳар бир ҳоким, вазир, барча даражадаги раҳбарлар шахсий ўрнатилган кўрсатишлари ва ўз уйларида ва иш жойларида муқобил энергия ускуналарини ўрнатилган керак”

2022 йил 10 июн. Ш. Мирзиёев.

Навбатдаги видеоконференцияда Президент қуйидаги муаммоларни кўтарди:

- қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш масаласини,

- қайта тикланувчи энергия манбаларига асосланган қурилмаларни кенг жорий этиш масалаларини,

- аҳолини энергиядан хавфсиз фойдаланишни рағбатлантириш ва таъминлаш чора-тадбирларини.

Замонавий шароитда мамлакатни электр энергияси билан таъминлашнинг энг самарали ва тезкор усули бу уйларда, корхоналарда, болалар боғчаларида, мактабларда ва касалхоналарда қайта тикланадиган энергия манбаларидан кенг фойдаланиш эканлиги таъкидланди.

Бунинг учун аҳоли ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги янги тизимини жорий этиш зарурлигини кўрсатилди:

- қуёш ва шамол энергиясидан электр энергияси ишлаб чиқариш учун ўрнатилган ҳар бир ускуна учун унинг қувватига қараб 15 миллион сўмгача компенсация пули қонун билан таъминланади;

- ушбу энергия манбалари асосида сув иситиш ускуналари учун 2 млн. сўмгача компенсация бериш;

- компенсация ўрнига, ускунани 3 йил давомида фоизсиз тўлаш мумкин;

-кам таъминланган оилалар, олис ва чекка туман аҳолисини ана шундай қурилмалар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, тиббиёт ва бошқа ижтимоий объектларда муқобил энергияга асосланган ускуналарни босқичма-босқич ўрнатиш вазифаси қўйилди.

МУҲОКАМА

2023 йилдан бошлаб кўплаб бинолар (савдо ва кўнгилочар мажмуалар, ресторанлар, меҳмонхоналар, аэропортлар, темир йўл станциялари, тижорат банклари) иссиқ сув ва ташқи ёритиш учун энергия харажатларининг бир қисмини фақат қайта тикланадиган энергия манбалари ҳисобидан таъминланиши қўллаб-қувватланади.

Барча вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар ва маҳаллаларни муқобил энергияга ўтказишни бошлаш вақти келди. Шу муносабат билан молия вазирлигига давлат идораларида қайта тикланувчи муқобил энергиядан фойдаланиш ва истеъмол қилиш бўйича стандартларини яратиш ва амалга киритиш вазифаси молия вазирлигига топширилди. Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий объектларда энергия тежаш миллий дастурини ишлаб чиқиш вазифаси ҳам қўйилди. Бундан ташқари, ушбу дастурга ўтиш муносабатларини ҳал қилиш билан биргаликда, ноанъанавий энергиясига тегишли янги қурилмалар, ускуналар ва уларга эҳтиёт қисимларни яратиш ва ишлаб чиқариш имкониятларини ҳам ўрганиб чиқиш зарурлиги кўзда тутилган.

Қайта тикланувчи энергия манбалари сафига қуввати бир MW дан кам бўлган Гидроэлектрстанция (ГЭС)ларни БМТ квалификациясига биноан киритилганлигини ҳисобга олиб, мамлакат бўйлаб умумий қуввати 200 MW ли 56 та кичик ГЭС лар (ҳар бирини қувати ўртача 40 kW) қурилиши учун яроқли майдонлар аниқланиш ва тегишли ишларни олиб бориш белгиланди.

Қайта тикланувчи энергия манбаларига ўтиш билан боғлиқ яна бир қатор янгиликлар қонун сифатида киритилди:

- давлат-хусусий шерикчилик асосида иш юритиши;
- тадбиркорлар учун жозибадор харид тарифлари белгиланиши;
- ер узок муддатли ижарага фақат аукцион ғолиблари учун берилиши;
- қуёш, шамол стансиялари ва микро ГЭС ларда ишлаб чиқарилган ортиқча электр энергиясини давлат томонидан камида 10 йилга сотиб олиш кафолатланиши.

ХУЛОСА

Юқоридагиларни умумлаштириб айтиш мумкинки, мамлакатимизни янги энергетикасини барча вазифа, меъёр ва низомлари халқаро-ҳуқуқий меъёрларга риоя этган ҳолда ҳамда давлат қонунчилигига мос равишда таъминланиб ривожланмоқда. Қайта тикланувчи энергия манбаларига ўтишнинг барча босқичлари ва жараёнлари қонуний жиҳатдан давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

REFERENCES

1. Рифкин Дж. Если нефти больше нет... Кто возглавит мировую энергетическую революцию? = The Hydrogen Economy: The Creation of the World-Wide Energy Web and the Redistribution of Power on Earth. — М.: Секрет фирмы, 2006. — 416 с. — 3000 экз. — ISBN 5-98888-004-5. Rifkin J. If there is no more oil... Who will lead the global energy revolution? = The Hydrogen Economy: The Creation of the World-Wide

- Energy Web and the Redistribution of Power on Earth. — Moscow: Secret of the firm, 2006. — 416 p. — 3000 copies. — ISBN 5-98888-004-5.
2. Козлов С.И. Водородная энергетика: современное состояние, проблемы, перспективы. — М.: Газпром ВНИИГАЗ, 2009. — 520 с. -ISBN 5-89754-062-4; Kozlov S.I. Hydrogen energy: current state, problems, prospects. — Moscow: Gazprom VNIIGAZ, 2009. — 520 p. -ISBN 5-89754-062-4;
 3. Кузык Б. Н., Яковец, Ю. В. Россия: стратегия перехода к водородной энергетике. - М.: Институт экономических стратегий, 2007. - 400 с. - ISBN 978-5-93618-110-8; Kuzyk B. N., Yakovets, Yu. V. Russia: the strategy of transition to hydrogen energy. - М.: Institute of Economic Strategies, 2007. - 400 p. - ISBN 978-5-93618-110-8;
 4. Под общей редакцией чл.-корр. РАН Аметистова Е.В. том 1 под редакцией проф. Трухния А.Д.// Основы современной энергетики. В 2-х томах. — Москва: Издательский дом МЭИ, 2008. — ISBN 978 5 383 00162 2. Under the general editorship of the corresponding member. RAS Ametistova E.V. volume 1 edited by Prof. Trukhnia A.D.// Fundamentals of modern energy. In 2 volumes. — Moscow: Publishing House of MEI, 2008. — ISBN 978 5 383 00162 2.
 5. Ринат Резванов. Россия на мировом водородном рынке. Деловой экономический журнал «Инвест-Форсайт» (30 марта 2021). Дата обращения: 28 апреля 2021. Архивировано 27 апреля 2021 года. Rinat Rezvanov. Russia in the global hydrogen market. Business economic magazine "Invest-Foresight" (March 30, 2021). Accessed: April 28, 2021. Archived on April 27, 2021.
 6. E.Z.Imamov, R.A.Muminov, T.A.Jalalov, X.N.Karimov Ilmiy xabarnoma-Scientific Bulletin.№1 p. 25-27 (2019)
 7. E.Z.Imamov, R.A.Muminov, T.A.Jalalov, X.N.Karimov, G.Ergashev Uzbek journal of physics. No. 3. pp. 173 -179 (2019)
 8. E.Z.Imamov, R.A.Muminov, T.A.Jalalov, X.N.Karimov "Physics of semiconductors and microelectronics". No. 4 Pp. 14-21 (2019)
 9. E.Z.Imamov, R.A.Muminov, R.Kh.Rakhimov Scientific-technical journal (STJ FerPI, 2020, T.24, №5) pp 31-36 (2020)
 10. Постановление Президента Республики Узбекистан, от 22.08.2019 г. № ПП-4422.
 11. Закон Республики Узбекистан, от 02.10.2018 г. № ЗРУ-491.
 12. Постановление Президента Республики Узбекистан, от 10.07.2020 г. № ПП-4779.
 13. Керимов. Д.А. Законодательная техника : науч.-метод. и учеб. Пособие. М. НОРМАИНФРА-М 1998.
 14. <https://mift.uz>
 15. <https://president.uz/>
 16. <https://lex.uz>